

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

«БИЗНЕС РЕЖАЛАШТИРИШ»

**фанидан амалий ва семинар машғулотлар
ўтиш учун**

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2007

“Бизнес-режалаштириш” фанидан амалий ва семинар машғулотлар ўтиш учун услубий қўлланма. Тузувчилар: Тарахтиева Г..К., Зияева Д.С. - Тошкент, ТошДТУ, 2007 – 36 бет.

Ҳозирги кунда, замонавий шароитларда бизнес-режа туза олиш қобилияти тадбиркорликда муваффақиятга эришишнинг гарови ҳисобланади. Таклиф қилинаётган услубий қўлланмада бизнес-режа корхонанинг ишлаб чиқариш соҳасидаги стратегияси, унинг моддий-техник ва молиявий (инвестиция) таъминоти ҳамда молиявий натижалари акс эттирилувчи асосий ҳужжат сифатида кўриб чиқилади. Иқтисодий ислоҳотлар ва замонавий бозор талабларини ҳисобга олган ҳолда инвестицион лойиҳа бизнес-режаси ва корхона бизнес-режаси ўртасидаги фарқларга алоҳида эътибор қаратилади.

Услубий қўлланма иқтисодиёт бакалавриат таълим йўналиши талабалари, аспирантлар ва ўқитувчилар, шунингдек, бизнес-режа масалалари билан қизиқувчи барча шахслар учун мўлжалланган.

Тақризчилар: Тошкент ирригация ва мелиорация институти «Сув хўжалигини бошқариш ва унинг иқтисодиёти» кафедраси доценти
Б.Г. Миркаримов
ТошДТУ, “Иқтисодиёт” кафедраси
доценти, и.ф.н., С. Исоков

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети илмий-услубий кенгаши қарорига мувофиқ чоп этилди.

С Тошкент давлат техника университети, 2007.

КИРИШ

Бозор иқтисодиёти шароитларида ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи ҳар бир корхона кўп сонли ва турли муаммоларга дуч келиб, улардан бири хўжалик юритиш тизимида ўзига муносиб ўрин эгаллаш ҳисобланади.

Бу вазифани корхона (фирма) ўз олдига аниқ ва равшан ишлаб чиқариш ғоясини: нимани, қачон ва қанча ишлаб чиқаришни белгилаб қўйган ҳолдагина муваффақиятли ҳал қилиш мумкин. Ушбу саволларга берилган ижобий жавоб корхонанинг қайси тармоққа мансублиги, мулкчилик шакли, куч-қуввати ва бошқа белгиларидан қатъий назар, унинг яратилиши ва келгусида муваффақиятли фаолият кўрсатишига асос бўла олади.

Ғояни реал воқеликка айлантириш учун у корхона маҳсулотлари ёки хизматларига буюртмалар олиш тизими билан кучайтирилиши лозим. Белгиланган ишлаб чиқариш фаолияти барча турдаги - моддий, меҳнат, молиявий ресурслар, шунингдек, ишлаб чиқариш қуввати билан таъминланиши зарур. Бунда маҳсулотни ишлаб чиқаришгина эмас, балки унинг сотилишини таъминлаш, яъни сотув каналларини излаб топиш ҳам муҳим аҳамият касб этади, корхонанинг маркетинг стратегияси ҳиссаси катта бўлади.

Бизнес-режа юқорида айтиб ўтилган ва шу каби бошқа вазифаларни ҳал қилишга хизмат қилади. У бир томондан корхона имкониятларини аниқ ва тўғри

баҳолашга имкон берса, бошқа томондан муваффақиятга ва режалаштирилган ишнинг даромадлилигига умид қилишга имкон беради. Амалиётнинг кўрсатишича, пухта ишлаб чиқилган бизнес-режа рақобатбардошлик шароитларида корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва моливий жиҳатдан барқарорлигини таъминлаб, бозордан ўзига муносиб ўрин эгаллашига имкон яратади.

Бизнес-режа инвестицияларни асослаб берувчи умумлаштирувчи ҳужжатлардан дастлабкиси бўлиб, маҳсулотларнинг режалаштирилаётган номенклатураси ва ишлаб чиқариш ҳажми, сотув бозори ва хомашё базаси тавсифномаси, ишлаб чиқаришнинг ер, энергетика ва меҳнат ресурсларига эҳтиёжлари каби кўриб чиқилаётган лойиҳанинг тижорат, бюджет ва иқтисодий самара-дорлигига доир тушунча берувчи бир қатор кўрсаткичлар ҳақидаги йириклаштирилган маълумотлардан иборат бўлади. Кўрсаткичлар ҳисоб-китоби мамлакатимиз ва хорижий инвестициялаш талабларига мослаштирилади.

Бизнес-режа интеллектуал мулк объекти бўлиб, тижорат сири ҳисобланади ва мос равишда ҳимоя қилинади.

Қўлланмада келтирилган материаллар муаллифлар-нинг мазкур фан муаммолари бўйича нуқтаи-назарини акс эттириб, ушбу йўналишда ягона ва узил-кесил хулоса чиқаришга даъвогарлик қилмайди. Бундан ташқари, мазкур иш таълим жараёнида, айниқса, фанни чуқурлашган тарзда ўрганишда бошқа маълумотлар билан тўлдирилиши ва бойитилиши мумкин.

I-мавзу. БОЗОР, ИҚТИСОДИЁТ ВА БИЗНЕС

XX асрнинг сўнги ўн йиллиги бир томондан дунё харитасида ёш мустақил давлатлар пайдо бўлиши билан, иккинчи томондан эса бозор иқтисодиётига ўтиш, интеграция жараёнларининг кучайиши, демократик бошқарув тамойилларининг ривожланиши билан тавсифланади. Бизнес ва иқтисодиёт барча собиқ шўро мамлакатларида жамият ривожланишининг рамзий белгисига айланди.

Бугунги кунда кўплаб мамлакатлар, хусусан Ўзбекистон ҳам ривожланишнинг бозор йўлидан кетмоқда. Республикамиз учун бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос моделнинг назарий асослари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарларида баён қилинган. Бозор иқтисодиёти шароитларида ишлаб чиқариш самарадорлиги стимули бўлиб фойдалилик (даромадлилик), унинг базаси бўлиб эса хусусий мулк хизмат қилади.

Бозор иқтисодиётини олға томон ҳаракатлантирувчи куч бу рақобатдир. У ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот сифатини ошириш ва унинг нархини пасайтиришни рағбатлантириб, ишлаб чиқарувчиларни фан-техника тараққиёти билан ҳамнафас қадам ташлашга, замонавий техника ва технологиялар, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг прогрессив усулларидан фойдаланишга мажбур қилади.

Бозор иқтисодиётининг устувор соҳаси бизнес ва тадбиркорлик бўлиб, уларнинг ташкилий шакллари кичик ва ўрта корхона ҳамда микрофирмалар, қишлоқ хўжалигида эса деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобланади. Кичик ва ўрта бизнес иқтисодиётнинг нодавлат секторида қарвонбоши ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шароитларида иқтисодий фаолият маркази жамият учун керакли маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва зарур хизматлар кўрсатувчи корхоналар томон ўзгаради. Бундай корхоналарда шунингдек, юқори малакали кадрлар ҳам жамланади. Шу сабабли корхоналарнинг яратилиши ва фаолият кўрсатишига, айниқса, бизнес ва тадбиркорлик соҳасида мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши ва аҳоли бандлигининг ўсиши ҳам боғлиқ бўлади.

Мавзу бўйича таянч иборалар

Бозор иқтисодиёти. Аралаш иқтисодиёт. Нарх, қиймат, рақобат, талаб ва таклиф. Товар бозори. Бозор иқтисодиётининг асосий белгилари. Бизнес. Бизнесни бошлашдаги асосий тамойиллар. Тадбиркорлик. Бизнеснинг пировард мақсади. Бизнес ва тадбиркорликнинг ташкилий шакллари. Нодавлат сектор. Кичик тадбиркорликни рағбатлантириш. Бизнес ва аҳоли бандлиги. Ресурслар базаси. Институционал ўзгаришлар. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш. Акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, хусусий корхоналар.

Муҳокама ва назорат саволлари

1. «Иқтисодиёт» тушунчасига таъриф беринг ва унинг мазмунини фан ва ҳўжалик нуқтаи назаридан очиб беринг.

2. Бизнес нима? Бизнес ва тадбиркорликни бири-биридан ажратиб турувчи хусусиятларни келтиринг.

3. Бизнес ва тадбиркорликнинг қандай ташкилий шаклларини биласиз?

4. Бозор иқтисодиётининг моҳиятини сиз қандай тушунасиз? Нима сабабли бозор иқтисодиётига ўтиш объектив аҳамият касб этди, бунинг асосий сабаблари нимада?

5. Бозор иқтисодиётининг афзал томонларини санаб беринг.

6. Президент И. А. Каримовнинг қайси асарларида бозор муносабатларига ўтишнинг назарий асослари баён қилинган?

7. Бизнесни ташкил этишдаги амал қилиш лозим бўлган дастлабки тамойилларни изоҳланг.

8. Нима сабабдан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодиётнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади ва унинг Ўзбекистон аҳолиси бандлик структураси ўзгаришидаги роли қандай?

9. Ишлаб чиқаришдаги нодавлат секторнинг улуши қандай, унинг ўзгариш динамикасини изоҳланг.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ/ №8, Самарали иқтисодий сиёсат маркази, Иқтисодий ислохотлар лойиҳаси USAID , Т.: март 2005. www.ceer.uz, www.bearingpoint.uz, www.pca.uz

2. Абдуллаев А., Айбешев Х. Бизнес режа. Ўқув қўлланма. - Т.: Молия, 2002. - 72бет.

3. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Бизнес планирование: Учебное пособие. – Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004.

4. Бизнес-план инвестиционного проекта: методические указания /БГСХА; Сост. К.К.Шебеко и др. Горки,2002.

3. Крылова Г.Д., Соколова М.И. Маркетинг: Теория и 86 ситуаций: Учебное пособие для вузов-М.: Юнити-Дана, 2000.

4. Новая конкуренция. Институты промышленного развития. Бест М.- М.: ТЕИС, 2002.- 356 с.

5. Конкурентные стратегии транснациональных компаний в 90-е гг. XX начала XXI в. Лучко Ш.Л.- М.: Эконом. Факульт., 2004.- 256 с.

6. Регион на перекрестке Востока и Запада: глобализация и конкурентоспособность. Под. науч. ред. Н.Я. Калюжной, К.Л. Лидина, Н.Я. Якобсона.- М.: ТЕИС, 2003.- 359с.

7. Цены и ценообразование. И.К. Салимжанов, О.В. Португалова, В.Е.Новиков и др.- М.: ТК Велби, Проспект, 2004.- 360с.

8. Финансовый менеджмент. Колб Р.В., Родригес Р. Дж. Пер. 2-го англ. издания. Предисл. к русск. изд. к..э.н. Драчевой Е.Л.- М.: Финпресс, 2001.- 496с.

9. <http://www.tsue.uz>.

10. <http://www.press-review.uz>.

11. www.ceep.uz, www.bearingpoint.uz, www.pca.uz

2-мавзу. БОЗОР ШАРОИТЛАРИДА РЕЖАЛАШТИРИШ ВА БАШОРАТ ҚИЛИШ

Буйруқбозлик асосидаги бошқарув, марказлашган режалаштириш, турли кўрсатмалар, назорат рақамлари ва лимитларнинг мавжудлиги айрим олим ва мутахассислар назарида бозорни режалаштириш билан мос келмаслиги ҳақида фикр уйғотишга сабаб бўлди. Ҳаттоки бозор бу режанинг акси деб ҳисоблашгача бориб етилди. Натижада бозор муносабатларига ўтишда режалаштириш деярлик ёддан чиқиб кетай деди.

Бозор иқтисодиёти режалаштиришни ҳам, башоарт қилишни ҳам инкор этмайди ва улардан аввалги буйруқбозликни чиқариб ташлаган ҳолда фойдаланишни тавсия қилади. Режалаштириш ва

башорат қилиш менежментнинг функциялари бўлиб, у ёки бу вақт оралиғида бизнес стратегиясини аниқлашга йўнал-тирилади. Башорат қилиш режалаштиришга нисбатан кўпроқ эҳтимолий характерга эга бўлади.

Режалаштириш ва башорат қилиш доимо келажакка йўналтирилган бўлади. Улар ривожланиш истиқболларини белгилашда бир-бирини тўлдириб туради. Башорат режалаштиришнинг дастлабки босқичидир.

Режалаштириш корхонага қуйидаги вазифаларни бажариш имконини беради: биринчидан, нимани, қаерда ва қанча миқдорда ишлаб чиқариш керак, иккинчидан, ишлаб чиқариш учун қандай ва қанча ресурс ва қувватлар керак бўлади, учинчидан, харажатлар қай даражада қопланади ва фойда (даромад) ҳажми қандай бўлади. Режалаштиришда хато ва камчиликлар қанчалик кам бўлса, ишлаб чиқиладиган режа ва башоратларнинг ишончли ва ҳаётийлиги шунчалик юқори бўлади.

Норма ва нормативлар режалаштиришнинг муҳим элементлари бўлиб, улар ишлаб чиқаришнинг у ёки бу мақсадларига сарфланувчи ресурсларнинг максимал ёки минимал чегарасини белгилаб беради. Норма ва нормативлар прогрессив бўлиши ва вақти-вақти билан қонунчиликда белгиланган тартибда қайта кўриб чиқилиши лозим.

Мавзу бўйича таянч иборалар

Режалаштириш. Башорат қилиш. Корреляция усули. Режалаштириш ва башорат қилишнинг мақсадли функцияси. Ишлаб чиқариш имкониятлари. Истеъмол талаби. Режалаштириш вазифалари. Иқтисодий таҳлил. Режалаштириш тизими. Норма ва нормативлар. Нормалаштириш. Норматив асосларининг қўлланиш миқёси.

Муҳокама ва назорат саволлари

1. Бозор шароитларида режалаштириш ва башорат қилишнинг моҳияти нимада?
2. Бозор шароитларидаги режалаштириш аввалги маъмурий-буйруқбозлик тизимидаги режалаштиришдан нимаси билан фарқ қилади?
3. Хўжалик юритишнинг бозор шароитларида режалаштиришнинг асосий тамойилларини санаб беринг.
4. Режалаштиришдаги иқтисодий таҳлилнинг аҳамияти нимада?
5. Режалаштириш ва эркин тадбиркорлик қай тарзда уйғунлашади?
6. Корхонанинг режалаштириш соҳасидаги ваколатлари қанай?
7. Режалаштиришнинг норматив асослари деганда нимани тушуниш керак?
8. Норма билан норматив ўртасида қандай фарқ бор?
9. Режалаштиришнинг норматив аосларини таснифлаб беринг.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Абдуллаев А., Айбешев Х. Бизнес режа. Ўқув қўлланма. - Т.: Молия, 2002. - 72бет.
2. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Бизнес планирование: Учебное пособие. – Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004.
3. Стратегический менеджмент: стратегический менеджмент и предпринимательство: Возможности для

будущего процветания. Ханс Виссема / Пер. с англ.- М.: Финпресс, 2000.- 272с.

4. Энциклопедия менеджера. Библиотека успешного менеджера. Филипп Холден. Пер.с англ.- М.: НІРРО, 2003.- 340с.

5. Организационный менеджмент. А. Н. Мардос, О.А Мардос.- СПб.: Питер, 2003.- 336с.

6. Успешный маркетинг для малого бизнеса. Дэйв Паттен -М.: Фаир-пресс, 2003.- 368с.

7. Планы маркетинга. Как их составлять и использовать. Макдональд М.- М.: Технологии, 2004.- 656с.

8. <http://www.imf.org>

9. <http://www.ifc.org>

3-мавзу. КОРХОНА ФАОЛИЯТИДА БИЗНЕС - РЕЖАЛАШТИРИШ

Корхона иқтисодиётнинг асосий бўғини ва бозорнинг асосий субъекти бўлиб, жамият эҳтиёжларини қондириш ва фойда (даромад) олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш учун яратилади.

Корхонанинг бутун фаолияти режалаштириш объекти бўлиб, фаолият характеридан келиб чиққан ҳолда корхонанинг турли хизмат ва бўлимлари томонидан ишлаб чиқилади.

Режалаштиришда миқдор ва сифат, натурал ва қиймат, ҳажм ва солиштирма каби кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлардан ҳар бири фойдали бўлиб, ўзига хос ҳисоб-китоб услубиятига эга.

Бозор муносабатлари шароитларида режалаштириш мажбурийдан кўра истисно характерга эга бўлсада, айрим кўрсаткичларни тартибга солиш зарурати билан ҳамнафас бўлади. Амалиётда тартибга солиш илгари қабул қилинган режа ва мажбуриятга ўзгартиш киритиш бўлиб, барча ҳолларда корхона фаолияти ҳамкорлар ишига зарар етказмаган ҳолда асосланиб берилиши лозим.

Режалаштириш ва башорат қилиш ишончли ахборот асосларига, шунингдек, ишлаб чиқаришни бошқариш ва режалаштириш жараёнлари билан шуғулланувчи мутахассисларнинг чуқур билимга эгаллигига таяниши лозим.

Мавзу бўйича таянч иборалар

Корхона бозор субъекти ва давлат тизимининг элементи. Корхонани ривожлантириш стратегияси. Корхона миссияси. Корхона мақсадлари. Ташқи муҳит

таҳлили ва баҳоланиши. Кучли ва заиф томонларни баҳолаш. Стратегияни баҳолаш. Стратегияни амалга ошириш. Миқдор кўрсаткичлари. Сифат кўрсаткичлари. Ҳажм кўрсаткичлари. Солиштирма кўрсаткичлар. Тартибга солиш. Давлат томонидан тартибга солиш. Давлат ва корхона миқёсидаги тартибга солиш. Бизнеснинг ахборот асослари. Ахборот. Коммуникация. Ахборот таъминоти. Ахборот алмадини жараёнининг модели. Ахборот сифатига қўйилувчи асосий талаблар.

Муҳокама ва назорат саволлари

1. Режалаштириш жараёнида корхона томонидан қандай вазифалар бажарилади?

2. Бозор шароитларида корхона фаолиятини режалаштириш аввалги маъмурий-буйруқбозлик тизимидан нимаси билан фарқ қилади?

3. Корхона ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштиришнинг кўрсаткичлари тизимини асослаб беринг.

4. Ишлаб чиқариш фаолиятини тартибга солиш нима ва у режалаштириш жараёни билан қандай уйғунлашади?

5. Сизнингча, бозор шароитларида режалаштириш жараёни қандай кўринишга эга бўлиши лозим?

6. Қайси ҳолларда режага ўзгартириш киритиш мумкин?

7. Корхона фаолияти режаларини ишлаб чиқишда ахборот асосларининг аҳамияти ва заруратини тушунтириб беринг.

8. Ишлаб чиқаришни режалаштириш ва тартибга солиш жараёнларини ким ёки қайси орган бошқаради?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Абдуллаев А., Айбешев Х. Бизнес режа. Ўқув қўлланма. - Т.: Молия, 2002. - 72бет.
2. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Бизнес планирование: Учебное пособие. – Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004.
3. Экономика предприятия: Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А. Швандара. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Юнити – Дана, 2002.
4. Методы принятия решений бизнес – плана. Эвристика. Иванов Л.Н., Иванов А.Л.- М.: Приор - издат, 2004.-80с.
5. Энциклопедия бизнес – планов: Методика разработки. 75 реальных образцов бизнес – планов. Горемыкин В.А., Нестерова Н.В.- М.: Ось-89, 2003. –1104с.
6. Пособие по составлению бизнес - плана Эрик С. Зигель.- М.: МТ-Пресс, Сирин, 2003.- 224с.
7. Экономика предприятия: Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А. Швандара. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Юнити – Дана, 2002. – 718 с.
8. Пивоваров К.В. Бизнес-планирование. 3-е изд. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2002. – 164 с.
9. <http://www.centerasia.ru>
10. <http://www.wta.org>

4-мавзу. КОРХОНАНИНГ БИЗНЕС - РЕЖАСИ (мавзу янги педагогик ва ахборот технологиялари асосида олиб борилди)

Иқтисодийнинг бозор муносабатларига ўтиши билан аввалги техник, саноат, молиявий режалар ўрнига бизнес-режалар вужудга келган бўлиб, корхона фаолиятининг жорий ва истиқболдаги стратегияларини

белгилаб берувчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

Бизнес-режа учта асосий функцияни бажаришга имкон беради: биринчидан, бизнес концепциясини ишлаб чиқиш, иккинчидан, бизнес-режани амалга ошириш учун зарур бўлган пул маблағлари миқдорини аниқлаш ва учинчидан, корхонанинг жорий фаолиятини бошқариш воситаси ҳисобланади.

Бизнес-режа бир нечта бўлим ва кўрсаткичлардан иборат бўлиб, уларнинг сони корхонанинг ҳажми, ўзига хосликлари ва бошқа хусусиятларига боғлиқ бўлади. илмий адабиётларда 10-12 бўлимдан иборат бўлган бизнес-режалар тавсия қилинади.

Бизнес-режанинг асосий бўлими ишлаб чиқариш дастури бўлиб, у бизнес-режанинг бошқа бўлимларини ишлаб чиқиш учун зарурий ҳисобланади. Ишлаб чиқариш дастури маҳсулотга бўлган истеъмолчилик талабини синчиклаб ўрганиш асосида тайёрланиши зарур.

Бизнес-режа амалиётда асосан икки босқичда тайёрланиб, бу босқичларнинг ҳар бирида мос келувчи вазифалар бажарилади. Бизнес-режанинг ҳаётийлиги кўп жиҳатдан уни тайёрловчилар, биринчи навбатда иқтисодчиларнинг малакаси ва тажрибасига боғлиқ бўлади.

Мавзу бўйича таянч иборалар

Бизнес-режанинг моҳияти ва вазифалари. Бизнес фалсафаси. Бизнес юритиш концепцияси. Корхона фаолиятининг амалдаги натижаларини баҳолаш. Пул маблағларини жалб қилиш зарурлигини асослаб бериш. Бизнес-режани тайёрлаш босқичлари. Бизнес-режанинг лойиҳа варианты. Бизнес-режани якуний ишлаб чиқиш ва расмий ҳужжат сифатида тасдиқлаш. Расмий бизнес-режа. Ишчи бизнес-режа. Бизнес-режа

структураси. Йирик ёки ўрта ҳажмли корхона учун бизнес-режа структураси. Фирмада ички режалаштириш.

Муҳокама ва назорат саволлари

1. Бизнес-режанинг мазмуни ва моҳияти нимада?
2. Бизнес-режа қандай маълумотлардан иборат бўлади?
3. Бизнес-режани тузиш учун маълумотларни қайси кетма-кетликда тайёрлаш керак?
4. Бизнес-режани тузиш босқичлари ва уларнинг фарқи нимада?
5. Ишчи бизнес-режа қандай вазифаларни бажаришга қаратилган?
6. Бизнес-режанинг асосий бўлимларини санаб беринг.
7. Бизнес-режа қандай талабларга жавоб бериши лозим?
8. Бизнес-режани ишлаб чиқиш учун жавобгарлик кимнинг масъулиятида бўлади?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Абдуллаев А., Айбешев Х. Бизнес режа. Ўқув қўлланма. - Т.: Молия, 2002. - 72бет.
2. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Бизнес планирование: Учебное пособие. – Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004.
3. Экономика предприятия. Под ред. проф. Грузинова В.П.- М.: Юнити, 1998.
4. Экономика предприятия. Под ред. проф. Горфинкеля В.Я., Купрякова Е.М. –М.: «ЮНИТИ», 1996
5. Сухова Л.Ф., Чернова Н.А. Практикум по разработке бизнес-плана и финансовому анализу

предприятия: Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 160 с.

6. Берл Густав, Киршнер Пол. Мгновенный бизнес-план.- М.: ИНФРА –М, 2001.

7. Махмудов Э.Х Экономика предприятия: Учеб. пособ. –Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004. –207 с.

8. Югай Л.П. Бизнес-планирование (тексты лекций). – Т.: ТГЭУ, 2000. – 47 с.

9. Создайте свое дело или что необходимо знать предпринимателю. –Ташкент: ЮНИДО, Проект “Бизнес-консультативный центр”, 2003.

10. <http://www.kontfi.ru/irr>

11. <http://www.rosinf.ru>

5-мавзу. БИЗНЕС - РЕЖАНИНГ АСОСЛАНГАНЛИГИ ВА ИШОНЧЛИЛИГИ

Бизнес-режа – корхонанинг муҳим ҳужжати бўлиб, уни тайёрлаш кўп вақт ва ходимларнинг иштирокини талаб қилади. Шу сабабли бизнес-режани ишлаб чиқиш жараёни корхона раҳбарияти томонидан маълум маънода бошқарилишни талаб қилади.

Бизнес-режани ишлаб чиқишга раҳбарлик қилиш мос равишда жавобгарлик ва масъулиятни ҳам англатади. Бажарилган ҳисоб-китоблар, кўрсаткичлар ва бизнес-режа таркибининг ишончлилиги учун асосан корхона раҳбари жавобгар ҳисобланади.

Бизнес-режани тайёрлашни самарали бошқаришдан уни тайёрлаш учун энг кам вақт сарфланиши далолат беради. Энг оптимал вариант – режадаги янги йил бошига бизнес-режанинг тайёр бўлишидир.

Бизнес-режанинг ресурслар билан таъминланганлиги ушбу ҳужжатнинг муҳим бир талаби ва шу билан бир пайтда унинг ҳаётийлигини акс эттирувчи кўрсаткич ҳамдир. Бу ерда режадаги давр учун маҳсулот ишлаб чиқаришда қачон, қанча ва қандай ресурслар талаб қилиниши ва уларни қоплаш манбаларини аниқлаш каби масалалар ҳал этилиши лозим.

Корхона бозор субъекти сифатида ҳозирги шароитларда истаса-истамаса бизнес ва тадбиркорлик билан боғлиқ бўлади. Бозор талаби корхона фаолиятини ўлчаб турувчи ўзига хос «барометр» вазифасини бажаради. Бу эса корхонадан ўз бизнесини суғурталаш, айниқса, тижорат, молиявий ва бошқа бир қатор таваккал (риск)ларнинг олдини олишни талаб қилади.

Мавзу бўйича таянч иборалар

Бизнес-режани ишлаб чиқишни бошқариш. Бизнес-режани тайёрлашда раҳбарнинг шахсан иштирок этиши. Бизнес-режанинг асосланганлиги ва ишончлилиги. Бизнес-режани ўз вақтида ишлаб чиқиш. Муваффақиятга эришишнинг учта асосий омили. Ресурслар билан таъминланганлик. Моддий ресурсларни тежашнинг асосий йўналишлари. Бизнесни суғурталаш. Рисклар, уларни баҳолаш ва башорат қилиш. Суғурталанувчи рисклар (risk insurable). Ҳуқуқий рисклар. Ишлаб чиқариш рисклари. Маркетинг рисклари. Молиявий, инновацион, ижтимоий рисклар. Лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган рисклар. Лойиҳа бўйича асосий риск омиллари.

Муҳокама ва назорат саволлари

1. Бизнес-режани ишлаб чиқиш жараёнини бошқариш қайси элементлардан таркиб топади?
2. Бизнес-режани ишлаб чиқиш жараёнини бошқаришда бажарилувчи асосий вазифаларни санаб беринг?
3. Бизнес-режа қандай талабларга жавоб бериши лозим?
4. Бизнес-режанинг ресурслар билан таъминланганлиги деганда нимани тушунасиз?
5. Бизнес-режанинг асосланганлиги ва ишончлилиги учун ким жавоб беради?
6. Суғурталашнинг бизнесга қандай алоқаси бор?
7. Бизнесда суғуртаоошнинг мақсади ва асосий йўналишларини айтиб беринг.
8. Риск нима ва унинг бизнесга таъсирини қандай ҳисобга олинади?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Абдуллаев А., Айбешев Х. Бизнес режа. Ўқув қўлланма. Т.: «Молия», 2002. - 72бет.
2. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Бизнес планирование. (Учебное пособие). – Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004.
3. Генри Минуберг «Природа управленческого труда» – М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2002.
4. Фомин Я.А. Диагностика кризисного состояния предприятия: Учеб. пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. 439 с.
5. Сборник бизнес-планов деловых ситуаций с рекомендациями и комментариями: Учеб. прак. пос. /Под ред. В.М.Попова, С.И.Ляпунова . –М.: КноРус , 2003
6. Губарев В.Г. Основы экономики и предпринимательства: Учеб. пособ. –Ростов на-Дону: Феникс, 2003. –287 с.
7. Менеджмент организации: современные технологии / Под ред. Проф. Н.Г. Кузнецова, проф. И.Ю. Солдатовой. Учеб. пособ. –Ростов-на-Дону: Феникс, 2002. –480 с.
8. Минетт С. Промышленный маркетинг: Принципиально новый подход к решению маркетинговых задач. –М.; СПб; Киев: Вильямс, 2003
9. <http://www.sorbona.fr>
10. <http://www.harvard.edu>

6-мавзу. КОРХОНАНИНГ ТАВСИФЛАНИШИ

Резюме қисқа шаклда ва ишончли тарзда бизнес-

режанинг асосий позициялари, молиялаштириш эҳтиёжи, бозор салоҳияти ва барча ва бошқалар ҳақида ахборот беради.

Корхонани тавсифлаш бу корхона фаолият кўрсатувчи тармоқни, унинг ривожланиш ҳолати, инвестицияларни жалб қилишининг баҳоланишини тавсифлаши лозим.

Тармоқни тавсифлаш ундаги иқтисодий вазиятга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омиллар ҳақидаги маълумотлардан (мавжуд конъюнктура, кутилаётган рақобатчилар ва маҳсулот истеъмолчилари, иқтисодий сиёсатнинг ўзгариши ва ҳоказо) иборат бўлиши керак.

Корхона тўғрисидаги ахборот корхонанинг ҳозирги ҳолати, унинг кучли ва заиф томонлари, ташкилий-техник даражаси, менежменти ва замонавий талабларга мос келиши ҳақидаги маълумотларни қамраб олиши лозим.

Мавзу бўйича таянч иборалар

Бизнес-режанинг резюмеси. Корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли. Корхона шуғулланиши кутилаётган бизнесни тавсифлаш. Бошқарув персоналининг малакаси. Бозордаги ва тармоқдаги вазиятни тавсифлаш. Корхона маҳсулоти (хизматлари) ва унинг рақобатчилар маҳсулотларидан фарқи. Лойиҳанинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли мақсадлари. Кутилаётган даромад ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши. Белгиланган мақсад ва вазифаларга эришишнинг тактик режаси. Зарур инвестициялар миқдори. Тармоқни тавсифлаш. Бозорни ва асосий рақобатчиларни таҳлил қилиш. Корхонани баҳолаш. Корхона тавсифномаси. Корхона ва унинг рақобатчиларининг кучли ва заиф томонларини баҳолаш ва таҳлил қилиш. Таъсисчилар таркиби. Давлат

рўйхатидан ўтказиш.

Муҳокама ва назорат саволлари

1. Бизнес-режа резюмеси таркиби нимадан иборат?
2. Бизнесингиз фойда кўрсатадиган тармоқдаги вазиятни тавсифлаб беринг. Бунда нималар назарда тутилди?
3. Корхона имиджи нима ва у қандай баҳоланади?
4. «Корхонани тавсифлаш» бўлими қандай маълумотлардан иборат бўлиши керак?
5. Корхонанинг ташкилий-техник даражаси деганда нима тушунилади?
6. Корхонанинг кучли ва заиф томонлари қандай баҳоланади?
7. Корхонанинг таъсис ҳужжатлари нималардан иборат ва уларнинг аҳамияти қандай?
8. Корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби қандай?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Абдуллаев А., Айбешев Х. Бизнес режа. Ўқув қўлланма. Т.: «Молия», 2002. - 72бет.
2. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Бизнес планирование. (Учебное пособие). – Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004.
3. Югай Л.П. Бизнес-планирование (тексты лекций). – Т.: ТГЭУ, 2000.
4. Сухова Л.Ф., Чернова Н.А. Практикум по разработке бизнес-плана и финансовому анализу предприятия: Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2001.

5. Югай Л.П. Бизнес-планирование (тексты лекций). – Т.: ТГЭУ, 2000.
6. О Нил У. Как делать деньги на фондовом рынке: Стратегия торговли на росте и падении; Пер. с англ.. –М.: Альпина Публишер, 2003. –328 с.
7. Основы государственного регулирования финансового рынка: Учеб. пос. –М.: Юстицинформ., 2002. – 507 с.
8. Риски в экономике: Учеб. пос. для вузов/ под. ред. проф. В.А. Швандара. –М.: Юнити-Дана, 2002. –370 с.
9. Шапкин А.С. Экономические и финансовые риски. Оценка, управление, портфель инвестиций: Монография. –М.: Дашков и К, 2003. –554 с.
10. Васильченко Н.Г. Современная система управления предприятием: учебно-практическое пособие. –М.: ЗАО “Бизнес-школа” Интел-Синтез, 2003. –319 с.
11. <http://www.essaybank.co.uk>
12. <http://www.ox.ac.uk>

7-мавзу. КОРХОНА МАҲСУЛОТИНИ ТАВСИФЛАШ

Бизнес-режанинг «Корхона маҳсулотини тавсифлаш» бўлими корхона маҳсулоти, иш ва хизматларини тавсифлаши мўлжалланган бўлиб, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам қамраб олади.

Корхона маҳсулоларини тавсифловчи кўрсаткичлар қаторига маҳсулотнинг функционал кўрсаткичлари в атавсифномаси, ўзига хос ва оригинал жиҳатлари, маҳсулотнинг ҳаётийлик даври сифат кўрсаткичлари, шунингдек, корхонанинг маҳсулотни муваффақиятли чиқариш ва тарқатишини таъминлаш имкониятларини киритиш мумкин.

Мавзу бўйича таянч иборалар

сифат даражаси, хусусиятлар йиғиндиси, ўзига хос безаги, марка номи ва ўзига хос ўрови, комплекти тавсифнома, тавсиф, товарнинг ҳаётийлик цикли, товар қондирувчи эҳтиёжлар, сифат кўрсаткичлари, иқтисодий кўрсаткичлар, товарнинг ташқи безалиши, янги товарни тавсифлаш, бошқа товарлар билан сотиштириш, патент ҳуқуқлари, экспорт кўрсаткичлари ва унинг имкониятлари, маҳсулотни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари, товар маҳсулот сервисини ташкил қилиш, ички бозор, ташқи бозор, рақобатчилар маҳсулотларини баҳолаш, тадқиқот ва лойиҳалар, товарнинг кучли ва заиф томонлари, товарнинг бозорга киритилиши, ўсиш, етуклик, қариш.

Муҳокама ва назорат саволлари

1. Маҳсулот(хизмат)нинг тавсифланиши ва унинг вазифалари.
2. Бизнес объектининг реал баҳоси, асосий

тавсифномаси.

3. Миқдорий таҳлил (нархнинг пастлиги ҳисобига олинувчи морливий ютуқ, эксплуатация харажатларининг паасайиши ва ҳоказо).

4. Номоддий фойдалар (дизайннинг яхшиланиши, соғлиқ учун хавфсизлик).

5. Маҳсулотнинг ўзига хослиги – сизнинг нуқтаи назарингизда ва бозор нуқтаи назаридан.

6. Маҳсулот ҳаёт даврига таъсир этувчи омилларни таърифланг.

7. Асосий истеъмолчилар. Айнан сизнинг маҳсулотингизни танлаш сабаблари.

8. Сизнинг маҳсулотингизга бўлган талабни башорат қилиш.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Абдуллаев А., Айбешев Х. Бизнес режа. Ўқув кўлланма. Т.: «Молия», 2002. - 72бет.

2. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Бизнес планирование. (Учебное пособие). – Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004.

3. Новая конкуренция. Институты промышленного развития. Бест М.- М.: ТЕИС, 2002.- 356 с.

4. Конкурентные стратегии транснациональных компаний в 90-е гг. XX начала XXI в. Лучко Ш.Л.- М.: Эконом. Факульт., 2004.- 256 с.

5. Регион на перекрестке Востока и Запада: глобализация и конкурентоспособность. Под. Науч. Ред. Н.Я. Калюжной, К.Л. Лидина, Н.Я. Якобсона.- М.: ТЕИС, 2003.- 359с.

6. Цены и ценообразование. И.К. Салимжанов, О.В. Португалова, В.Е.Новиков и др.- М.: ТК Велби, Изд. Проспект, 2004.- 360с.

7. Финансовый менеджмент. Колб Р.В., Родригес Р. Дж. Пер. 2-го англ. издания. Предисл. к русск. изд. к..э.н. Драчевой Е.А.- М: изд. "Финпресс", 2001.- 496с.
8. Любанова Т.П., Мясоедова Л.В., Грамотенко Т.А., Олейникова Ю.А. Бизнес – план. Учебно-практическое пособие. – М.: «Издательство ПРИОР»,2000.
9. Сухова Л.Ф., Чернова Н.А. Практикум по разработке бизнес-плана и финансовому анализу предприятия: Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2001.
10. <http://www.aport.ru>
11. <http://www.rol.ru>

8-мавзу. КОРХОНАНИНГ МАРКЕТИНГ РЕЖАСИ

Бизнес-режа структурасида маркетинг режаси корхонанинг махсулот сотув бозорларини ва рақобатчиларини баҳолаш ҳамда маркетинг стратегиясини асослаб бериши мўлжалланган.

Маркетинг режаси доирасида бозор сифими ҳақидаги, бозорнинг тўйинганлиги ва сифимининг ўзгариши ҳақидаги маълумотлар шакллантирилади, бозорни сегментлаштириш усуллари аниқланади, сотув ҳажми ва рақобатчилар ҳатти-ҳаракатлари башорат қилинади, товарни тарқатишнинг принципиал схемалари, нархнинг ҳосил бўлиш усуллари ишлаб чиқилади ва рентабеллик даражаси асослаб берилади.

Маркетинг режалари ишлаб чиқиш усуллари, миқёси ва муддати бўйича таснифланади. Улар худди башоратлар каби қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли бўлиши мумкин.

Маркетинг режалари юқоридан қуйига ёки қуйидан юқорига ишлаб чиқилиши мумкин. Барча

ҳолларда ҳам улар асосланганлиги ва корхонанинг муваффақиятини таъминлаши лозим.

Мавзу бўйича таянч иборалар

Замонавий маркетинг, сотув функцияси, ишлаб чиқариш функцияси, таҳлилий функция, бошқарув ва назорат функцияси, тадбиркорлик муҳити, иқтисодий реаллик, ижтимоий омиллар, техник ривожланиш даражаси, ҳуқуқий-норматив муҳит, тўртта «Р», бозорни баҳолаш, истеъмолчилик талабини ўрганиш, бозорни ва сотувни тадқиқ қилиш, бозор сиғими, бозорни сегментлаш, истеъмолчиларни тадқиқ қилиш, нарх тадқиқотлари, нарх сиёсати, нарх сиёсатининг беш тури, товар ҳаракатланиши ва сотувни тадқиқ қилиш, реклама ва сотувни рағбатлантиришни тадқиқ қилиш, силжитиш стратегияси, харидорларни жалб қилиш стратегияси, талабни шакллантириш ва сотувни рағбатлантириш, маркетинг дастурлари, маркетинг режаси, сотув реакцияси функциясини олдиндан баҳолашнинг 3 усули.

Муҳокама ва назорат саволлари

1. Маркетинг мажмуи қандай ва у қай тариқа муваффақиятга олиб келади?
2. Барча бозор сегментлари бўйича маркетинг стратегияси қандай амалга оширилади?
3. Корхонанинг маркетинг стратегиясида қисқа муддатли ва узоқ муддатли мақсадлар.
4. Тақсимлаш каналларини танлашни белгилаб берувчи омиллар (географик жойлашув, божхона чекловлари, мавсумий шароитлар ва ҳоказо).
5. Маркетинг режасининг бўлимларини изоҳлаб беринг.

6. Товар белгилари ва «фирма стили»дан фойдаланиш нимани англатади.
7. Корхонада реклама турлари.
8. Корхонанинг маркетинг фаолияти схемасини тушунтириб беринг.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Абдуллаев А., Айбешев Х. Бизнес режа. Ўқув кўлланма. Т.: «Молия», 2002. - 72бет.
2. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Бизнес планирование. (Учебное пособие). – Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004.
3. Стратегический менеджмент: стратегический менеджмент и предпринимательство: Возможности для будущего процветания. Ханс Виссема ./ Пер. с англ.- М: Издательство “Финпресс”, 2000.- 272с.
4. Энциклопедия менеджера. Библиотека успешного менеджера. Филип Холден. Пер.с англ.- М: НИРРО, 2003.- 340с.
5. Организационный менеджмент. А. Н. Мардос, О.А Мардос.- СПб.: Питер, 2003.- 336с.
6. Успешный маркетинг для малого бизнеса. Дэйв Паттен -М.: Фаир-пресс, 2003.- 368с.
7. Планы маркетинга. Как их составлять и использовать. Макдональд М.- М.: Технологии, 2004.- 656с.
8. Сухова Л.Ф., Чернова Н.А. Практикум по разработке бизнес-плана и финансовому анализу предприятия: Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2001.
9. Жафяров А.Ж. и др. Функции маркетинга. Новосибирск, 2001.

10. Югай Л.П. Бизнес-планирование (тексты лекций). – Т.: ТГЭУ, 2000.
11. <http://www.tsue.uz>.
12. <http://www.press-review.uz>

9-мавзу. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕЖАСИ

Бизнес-режанинг “Ишлаб чиқариш режаси” бўлими корхонанинг белгиланган муддатда керакли маҳсулотни керакли миқдорда ишлаб чиқариш имкониятларини асослаб беришдан иборат.

Ишлаб чиқариш режаси ишлаб чиқариш жараёнини баён қилиш, корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари ва ресурслар таъминотини асослаб бериш, ишлаб чиқариш режаси кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилишни қамраб олиши лозим.

Ишлаб чиқариш режасини ишлаб чиқариш қувватлари билан таъминланганлигини асослаб бериш ишлаб чиқариш муддатининг узоқлиги, ишлов берилувчи деталлар ҳажми ва операциялар йиғиндиси каби ҳисоб-китобларни назарда тутати.

Ишлаб чиқариш дастурининг асосланганлиги моддий ва хом-ашӣ ресурсларига эҳтиёжлар билан мустаҳкамланади. Бундай ҳисоб-китобларни улардан фойдаланиш самарадорлигини, шунингдек, харид қилиш ва молиялаштириш манбаларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш зарур.

Мавзу бўйича таянч иборалар

Ишлаб чиқариш режаси, ишлаб чиқариш дастури, ялпи маҳсулот, тайёр (товар) маҳсулот, тугалланмаган ишлаб чиқариш, корхонанинг ишлаб

чиқариш қуввати, техник-иқтисодий тадқиқот, моддий ва молиявий ресурслар, ресурсларга эҳтиёжни аниқлаш, детерминант (норматив), статистик ва эмпирик усуллар, моддий заҳиралар ҳажмини аниқлаш, хом-ашё ва материаллар хариди, ресурслардан фойдаланишни баҳолаш, айланма воситалар таркиби, айланиш коэффициенти, битта айланиш муддати.

Муҳокама ва назорат саволлари

1. Ишлаб чиқариш дастурининг асосий кўрсаткичлари нималардан иборат?
2. Сизнинг маҳсулотингизни ишлаб чиқариш технологияси.
3. Ишлаб чиқариш жараёнининг асосий босқичлари.
4. Асбоб-ускуна, хом-ашё, бутловчи қисмларга эҳтиёж ва уларнинг қандай таъминланиши.
5. Ишлаб чиқариш режасининг ишлаб чиқариш қувватлари билан асосланганлиги.
6. Ишлаб чиқаришнинг экологик тозалигини таъминлаш.
7. Ресурслардан фойдаланишни баҳолаш кўрсаткичларини асослаб беринг.
8. Ресурсларга бўлган талабни аниқлашнинг қандай услублари мавжуд?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Абдуллаев А., Айбешев Х. Бизнес режа. Ўқув қўлланма. Т.: «Молия», 2002. - 72бет.
2. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Бизнес планирование. (Учебное пособие). – Т.: Издательство Лите-

- ратурного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004.
3. Методы принятия решений бизнес – плана. Эвристика. Иванов Л.Н., Иванов А.А.- М.: «Приор - издат», 2004.-80с.
 4. Энциклопедия бизнес – планов: Методика разработки. 75 реальных образцов бизнес – планов. Горемўкин В.А., Нестерова Н.В.- М.: «Ось-89», 2003. –1104с.
 5. «Пособие по составлению бизнес - плана» Эрик С. Зигель.- М.: МТ-Прес, Сирин,2003.- 224с.
 6. Экономика предприятия: Учебник для вузов / Под ред. Проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А. Швандара. – 3-е изд., перераб. И доп. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2002. – 718 С.
 7. Пивоваров К.В. Бизнес-планирование. 3-е изд. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2002. – 164 с.
 8. Пивоваров К.В. Бизнес-планирование. 3-е изд. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2002. – 164 с.
 9. Югай Л.П. Бизнес-планирование (тексты лекций). – Т.: ТГЭУ, 2000. – 47 с.
 10. <http://www.imf.org>
 11. <http://www.ifc.org>

10-мавзу. ТАШКИЛИЙ РЕЖА ВА МЕНЕЖМЕНТ

Бизнес-режанинг «Ташкилий режа ва менежмент» бўлими бизнес-режани амалга оширишни бошқариш усуллари тавсифномаси, корхона бошқарувининг ташкилий тузилмаси, бажарувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириш усулларини қамраб олади.

Корхона бошқарувининг ташкилий тузилмаси турлича бошқарув функцияларини бажарувчи, ўзаро боғлиқ бўлган ва бир-бирига бўёсинувчи бирлик ва бўғинлар таркибини ифодалайди.

Ходимларни бошқариш корхона айна пайтда эҳтиёж сезаётган ёки келажакда эҳтиёж падо бўлиши мумкин бўлган ходимлар, корхона учун зарур бўлган мутахассислар сонини, ишга қабул қилиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ҳамда кадрлар тайёрлаш сиёсатини аниқлашни назарда тутди.

Мавзу бўйича таянч иборалар

Ташкилий режа ва менежмент, ишбилармонлик жадвали, реклама, бошқарувни ташкил этиш, кадрлар сиёсати ва персонални бошқариш, ташкилий қарорлар ва бошқарув, ташкилий тузилма, кадрлар салоҳияти, ходимларни бошқариш, кадрларга эҳтиёж.

Муҳокама ва назорат саволлари

1. Корхонанинг ташкилий тузилмаси ва коммуникация алоқалар тизими нима?
2. Ташкилий-ҳуқуқий шакл ва мулкчилик шаклининг бизнесга мос келиши, таклиф этилувчи ўзгартиришлар.
3. Ишчи кучига эҳтиёж, ишга ёллаш тизими ва фойдада иштирок этиш.

4. Бизнесни профессионал қўллаб-қувватлаш манбалари (ҳуқуқий, банк, суғурта компаниялар, тадбиркорлар иттифоқлари).
5. Ходимларни бошқариш тузилмаси қандай фаолият йўналишларини қамраб олади?
6. Кадрлар салоҳиятини тушунтириб беринг.
7. Бошқарув командасини қандай тамойилларга риоя қилиш зарур?
8. Бизнес-режадаги ишбилармонлик жадвали нималарни назарда тутди?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Абдуллаев А., Айбешев Х. Бизнес режа. Ўқув қўлланма. Т.: «Молия», 2002. - 72бет.
2. М. Шарифхўжаев, Ё. Абдуллаев. Менежмент. Дарслик. Т.: «Ўқитувчи» 2001. - 702 бет.
3. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Бизнес планирование. (Учебное пособие). – Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004.
4. Управление организацией: Учебник / Под ред. А.Г. Поршнева, З.П. Румянцевой, Н.А.Саломатина. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: ИНФРА-М, 2003. - 716 с.
5. Сухова Л.Ф., Чернова Н.А. Практикум по разработке бизнес-плана и финансовому анализу предприятия: Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 160 с.: ил.
6. Махмудов Э.Х Экономика предприятия: учеб. пособ. –Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004. –207 с.
7. Югай Л.П. Бизнес-планирование (тексты лекций). – Т.: ТГЭУ, 2000. – 47 с.

8. "Создайте свое Дело или что необходимо знать предпринимателю" г. Ташкент, ЮНИДО, Проект "Бизнес-консультативный центр", 2003г.
9. Экономика предприятия: Учебник для вузов / Под ред. Проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А. Швандара. – 3-е изд., перераб. И доп. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2002. – 718 С.
10. Пивоваров К.В. Бизнес-планирование. 3-е изд. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2002. – 164 с.
11. Стратегический менеджмент: стратегический менеджмент и предпринимательство: Возможности для будущего процветания. Ханс Виссема ./ Пер. с англ.- М: Издательство "Финпресс", 2000.- 272с.
12. Энциклопедия менеджера. Библиотека успешного менеджера. Филип Холден. Пер.с англ.- М: НРРО, 2003.- 340с.
13. Организационный менеджмент. А. Н. Мардос, О.А Мардос.- СПб.: Питер, 2003.- 336с.
14. <http://www.konti.ru>
15. <http://www.rosinf.ru>

11-мавзу. МОЛИЯВИЙ РЕЖА

Бизнес-режанинг молиявий режаси даромад ва харажатлар режаси, баланс-режа ва пул оқимлари ҳаракатланиши режасидан иборат бўлади.

Молиявий режани ишлаб чиқиш маҳсулот сотиш ҳажмини башорат қилиш, режадаги фойдани ҳисоблаш ва зарарсизлик нуқтасини таҳлил қилишни назарда тутди.

Даромад ва харажатлар режасида фаолият турлари бўйича фойдалилик нуқтаи назаридан корхона

фаолиятининг натижалари акс эттирилади.

Пул оқимлари ҳаракталаниши режаси пул маблағларининг шаклланиши ва четга чиқишини, шунингдек, корхонада қолган пул маблағлари динамикасини тавсифлайди.

Зарарсизлик нуқтаси маҳсулотни сотишдан олинувчи даромад ишлаб чиқариш харажатларига тенг бўлувчи маҳсулот ишлаб чиқариш минимал ҳажмини аниқлаб беради.

Мавзу бўйича таянч иборалар

Молиявий режа, маҳсулотни сотиш ҳажми, тушум ва харажатлар баланси, даромад ва харажатлар режаси, маҳсулотни сотишдан олинувчи ялпи фойда, асосий фаолиятдан кўрилган фойда, умумхўжалик фаолияти натижасидан фойда (ёки зарар), солиқ тўланмасдан олдинги фойда, йиллик соф фойда, маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритилувчи харажатлар, давр харажатлари таркибига киритилувчи харажатлар, хўжалик субъектининг молиявий фаолияти бўйича харажатлар, фавқулодда харажатлар, пул оқимлари режаси, башорат баланси, зарарсизлик нуқтаси.

Муҳокама ва назорат саволлари

1. Башорат қилинувчи даромад нима?
2. Корхона балансининг таркиби нималардан иборат?
3. Корхонанинг пул маблағлари ҳақидаги ҳисобот.
4. Корхонанинг ишбилармонлик фаоллиги кўрсаткичлари.
5. Бизнеснинг зарарсизлик даражаси.

6. Даромад ва харажатлар балансида акс эттирилувчи асосий кўрсаткичлар қаторига қайсиларни киритиш мумкин?

7. Маҳсулотни сотиш ҳажми башоратлари қандай кўриниш ёки шаклда бўлиши лозим?

8. Корхона фаолиятининг молиявий натижалари қандай фойда кўрсаткичлари билан тавсифланади

9. Пул оқимлари режаси одатда нечта асосий бўлимдан иборат бўлади?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Абдуллаев А., Айбешев Х. Бизнес режа. Ўқув қўлланма. Т.: «Молия», 2002. - 72бет.
2. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Бизнес планирование. (Учебное пособие). – Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004.
3. Фомин Я.А. Диагностика кризисного состояния предприятия: Учеб. пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. 439 с.
4. Сборник бизнес-планов деловых ситуаций с рекомендациями и комментариями: Учеб. прак. пос. /Под ред. В.М.Попова, С.И.Ляпунова . –М.: КноРус , 2003
5. Губарев В.Г. Основы экономики и предпринимательства: Учеб. пособ. –Ростовна-Дону: Феникс, 2003. –287 с.
6. Менеджмент организации: современнўе технологии / Под ред. Проф. Н.Г. Кузнецова, проф. И.Ю. Солдатовой. Учеб. пособ. –Ростов-на-Дону: Феникс, 2002. –480 с.

7. Минетт С. Промышленный маркетинг: Принципиально новый подход к решению маркетинговых задач. –М.; СПб; Киев: Вильямс, 2003
8. Сухова Л.Ф., Чернова Н.А. Практикум по разработке бизнес-плана и финансовому анализу предприятия: Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 160 с.: ил.
9. Югай Л.П. Бизнес-планирование (тексты лекций). – Т.: ТГЭУ, 2000. – 47 с.
10. <http://www.sorbona.fr>
11. <http://www.harvard.edu>

12-мавзу. БИЗНЕС-РЕЖАНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Инвестициялар самарадорлигини баҳолаш инвестиция қарорлари қабул қилиш жараёнидаги масъулият энг юқори бўлган босқичдир.

Инвестициялар самарадорлигини баҳолаш қанчалик объектив ва ҳар томонлама ўтказилганлигига киритилган капитални қайтариш ва компаниянинг ривожланиш суратлари боғлиқ бўлади. Бунга эса баҳолашнинг замонавий усулларида фойдаланиш ҳисобига эришилади.

Бизнес-режа самарадорлигини баҳолаш соф келтирилган даромад, даромадлилик индекси, ўзини қоплаш даври, ички даромадлилик нормаси каби кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилади.

Инвестиция амалиётида инфляция омили билан мунтазам ҳисоблашишга тўғри келади. Унинг вақт ўтиши билан пул маблағлари қийматини пасайтириб бориши, инфляциянинг (ўртача нархлар индексининг) ўсиши мос равишда пулнинг харид қилиш қобилиятини пасайтиришга олиб келиши билан боғлиқ.

Инфляцияни ҳисобга олган ҳолда инвестиция жараёнларида пул оқимларини тўғирлаш билан боғлиқ ҳисоб-китобларда иккита асосий тушунча – пул маблағларининг номинал ва реал (ҳақиқий) қийматидан фойдаланиш қабул қилинган.

Мавзу бўйича таянч иборалар

Вақт бўйича пул қиймати, пулнинг келажакдаги қиймати, пулнинг ҳозирги қиймати, оддий фоиз, пул маблағларини дисконтлаш, мураккаб фоиз, инфляция омили, пул маблағларининг номинал ва реал (ҳақиқий) қиймати, пул маблағларининг келажакдаги реал

қийматини аниқлаш, «инфляция мукофоти», пул оқими кўрсаткичи (cash flow), соф келтирилган даромад, даромадлилиқ индекси, ўзини қоплаш даври, ички даромадлилиқ нормаси.

Муҳокама ва назорат саволлари

1. Бизнес-лойиҳанинг иқтисодий
самарадорлиги деганда нима тушунилади?
2. Вақт бўйича пул қандай баҳоланади?
3. Бизнес-лойиҳанинг иқтисодий
самарадорлигини ҳисоблашда инфляция қандай
баҳоланади?
4. Инвестициялар самарадорлигини
баҳолашда қайси тамойиллар қўланади?
5. Инвестициялар самарадорлигини
баҳолашда қайси асосий кўрсаткичлар қўланади?
6. Инфляция мукофоти нимани билдиради?
7. Соф келтирилган даромаднинг мазмуни
нимада?
8. Даромадлилиқ индекси қандай
ҳисобланади?
9. Ички даромадлилиқ нормаси нима?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Абдуллаев А., Айбешев Х. Бизнес режа. Ўқув қўлланма. Т.: «Молия», 2002. - 72бет.
2. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Бизнес планирование. (Учебное пособие). – Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004.
3. О Нил У. Как делать деньги на фондовом рўнке: Стратегия торговли на росте и падении; Пер. с англ.. –М.: Альпина Публишер, 2003. –328 с.

4. Основ государственного регулирования финансового рынка: Учеб пос. –М.: Юстицинформ., 2002. –507 с.
5. Риски в экономике: Учеб пос. для вузов/ под. ред. проф. В.А. Швандара. –М.: Юнити-Дана, 2002. – 370 с.
6. Шапкин А.С. Экономические и финансовые риски. Оценка, управление, портфель инвестиций: Монография. –М.: Дашков и К, 2003. –554 с.
7. Васильченко Н.Г. Современная система управления предприятием: учебно-практическое пособие. –М.: ЗАО “Бизнес-школа” Интел-Синтез, 2003. –319 с.
8. <http://www.aport.ru>
9. <http://www.rol.ru>

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1-мавзу. БОЗОР, ИҚТИСОДИЁТ ВА БИЗНЕС	5
2-мавзу. БОЗОР ШАРОИТЛАРИДА РЕЖАЛАШ- ТИРИШ ВА БАШОРАТ ҚИЛИШ	8
3-мавзу. КОРХОНА ФАОЛИЯТИДА БИЗНЕС - РЕЖАЛАШТИРИШ	11
4-мавзу. КОРХОНАНИНГ БИЗНЕС – РЕЖАСИ (мавзу янги педагогик ва ахборот технологиялари асосида олиб борилади)	13
5-мавзу. БИЗНЕС - РЕЖАНИНГ АСОСАН-ГАНЛИГИ ВА ИШОНЧЛИЛИГИ	16
6-мавзу. КОРХОНАНИНГ ТАВСИФЛАНИШИ	18
7-мавзу. КОРХОНА МАҲСУЛОТИНИ ТАВСИФ-ЛАШ	21
8-мавзу. КОРХОНАНИНГ МАРКЕТИНГ РЕЖАСИ ...	23
9-мавзу. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕЖАСИ	25
10-мавзу. ТАШКИЛИЙ РЕЖА ВА МЕНЕЖМЕНТ	28
11-мавзу. МОЛИЯВИЙ РЕЖА	30

